

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Антропология институти директори



В.В.Б. З.Рахманов
18.04.2026 йил

**“UZBEK ANTHROPOLOGICAL JOURNAL”
ЖУРНАЛИ ТАХРИРИЯТИ**

Н И З О М И

Тошкент – 2026

I. Умумий қоидалар

1.1. **Оммавий ахборот воситаси муассиси:** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Антропология институти.

1.2. **Оммавий ахборот воситаси тури:** илмий журнал.

1.3. **Оммавий ахборот воситаси номи:** “Uzbek anthropological journal”.

1.4. **“Uzbek anthropological journal” журнали тили:** инглиз тили.

Ихтисослашуви: Марказий Осиё ҳудуди ландшафт археологияси, археологик антропологияси, тарихий антропологияси, ижтимоий-маданий антропологияси, маданияти ва санъати тарихи ҳамда моддий маданияти тарихи, археологик геофизика соҳалари.

1.5. **Тарқатиш ҳудуди:** Ўзбекистон Республикаси.

1.6. **Даврийлиги ва ҳажми:** Журнал 84x108 1/16 бичимида, 120 саҳифада, ҳар олти ойда бир марта, камида 100 нусхада чоп этилади.

Таҳририятнинг жойлашган жойи (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси 81-уй; 100170. anthropology@academy.uz

1.7. “Uzbek anthropological journal” журнали таҳририяти (келгусида “Таҳририят” деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Ҳукумат қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатлари ҳамда мазкур Низомга асосан ўз фаолиятини амалга оширади.

II. Таҳририят фаолиятининг мақсад ва вазифалари

2.1. “UZBEK ANTHROPOLOGICAL JOURNAL” илмий журнали – қадимда “Турон”, “Мовароуннаҳр” ва “Туркистон” деб аталган Марказий Осиё, шу жумладан Ўзбекистон ҳудудининг ўтмишини замонавий антропологик ёндашувлар асосида геоантропология, археологик антропология, тарихий антропология, ижтимоий-маданий антропология ва археогеофизика йўналишларида амалга оширилган илмий изланишлар натижаларини мақолалар сифатида чоп этиш ушбу Оммавий ахборот воситасининг (кейинги ўринларда ОАВ деб юритилади) асосий мақсади этиб белгиланган. Журналда чоп этилиши назарда тутилган тадқиқотлар инсон ва теварак-муҳит муносабатлари, маданий ва ижтимоий жараёнлар динамикаси, урбанизация, ресурслардан фойдаланиш ва тарихий меросни замонавий ёндашувлар асосида комплекс ўрганишга хизмат қилади.

III. Муассиснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

3.1. Муассис ҳуқуқлари:

3.1.1. Муассис ўз Низоми ва Қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида Таҳририят ишларини ташкил этади ва бошқаради.

3.1.2. Таҳририятнинг Низомини унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларларни тасдиқлайди, рўйхатда қайд этилган номидан фойдаланади ва тасарруф этади.

3.1.3. Республика ва хориж етакчи тадқиқотчиларидан иборат журналнинг Халқаро Маслаҳат Кенгашини тузади.

3.1.4. Журналнинг Бош муҳарририни тайинлайди, лавозимидан озод этади.

3.1.5. Бош муҳаррирнинг тавсиясига кўра журнал Таҳрир ҳайъати аъзоларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади.

3.1.6. Қонунда белгиланган тартибда журнал фаолиятини тўхтатади.

3.2. Муассиснинг мажбуриятлари:

3.2.1. Таҳририятни ташкил этади.

3.2.2. Таҳририятни хона ва керакли жиҳозлар билан таъминлайди.

3.2.3. ОАВнинг чиқарилишини таъминлайди.

3.2.4. ОАВ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлайди.

Муассис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин. Муассиснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари журнал фаолияти тугатилганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳолларда ҳам тугатилиши мумкин.

IV. Таҳририятнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

4.1. Таҳририят ҳуқуқлари:

4.1.1. Журнал номи, манзили, ўз муассиси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Антропология институти (кейинги ўринларда Институт деб юритилади) банк реквизитлари кўрсатилган махсус титул varaқалари ҳамда эмблема (ёрлиқ) дан фойдаланади.

4.1.2. Таҳририят Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритади ва муассис тасдиғидан ўтказди.

4.1.3. Таҳририятга келган мақолаларнинг мазмунини бузмаган ҳолда таҳрир қилади, қисқартиради ёки кенгайтиради.

4.1.4. Журнал ҳажми (формати)ни камайтиради ёки кўпайтиради, шунингдек, даврийлиги ва рангини ўзгартиради.

4.1.5. Таҳририят касб фаолияти бўйича мустақилдир.

4.2. Таҳририят мажбуриятлари:

4.2.1. Таҳририят Институтнинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади, муҳр ва штампга эга бўлмайди.

4.2.2. Таҳририят ўз муассиси Институт Низомида кўрсатилган бандларга оғишмай амал қилади.

4.2.3. Таҳририят ўз фаолиятини “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида ҳамда ўз Низомига мувофиқ амалга оширади.

4.2.4. Давлат сирларини сақлайди ва давлат ахборот ресурсларидан рухсатсиз тарзда фойдаланмайди.

4.2.5. Таҳририят журналнинг истиқболига дахлдор барча мажбуриятларни: жумладан,

- журнални ОАВ сифатида давлат рўйхатидан ўтказгандан кейин ўз фаолиятини бошлайди;

- журналнинг белгиланган давр ичида чоп этишга тайёрлашни тўлиқ таъминлайди;

- журнал фаолиятига тегишли ҳар қандай жавобгарликни ўз зиммасига олади.

V. Таҳририятни молиялаштириш манбалари

5.1. Таҳририятни молиялаштириш манбаи Институт томонидан амалга оширилади, шу жумладан, журналга обуна бўлишдан тушган маблағлар, муаллифларнинг электрон кўринишдаги мақолалари учун тўловлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ амалга ошириладиган бошқа тадбирлар асосида шакллантирилади.

5.2. Журнал қуйидаги маблағлар ҳисобидан нашр этирилади:

- муассис томонидан таҳририят харажатлари учун ажратилган маблағлар;

- хорижий ҳамкорларнинг хомийлик маблағлари;

- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбаалар.

. Журнал таҳририяти алоҳида юридик шахс ҳисобланмайди, мустақил молиявий фаолиятни амалга оширмайди.

5.4. Журналда мақолалар чоп этиш учун муаллифлик ҳақи тўланмайди.

5.5. Журналлар пуллик ёки бепул тарқатилиши мумкин.

VI. Фойдани тақсимлаш ва зарарларнинг ўрнини қоплаш тартиби

6.1. Журнал томонидан хўжалик фаолияти юритиш натижасида олинган фойда амалдаги қонунчиликка мувофиқ солиқлар, йиғимлар ва мажбурий ажратмалар тўлангандан кейин ушбу Низомнинг 5-бандига мувофиқ Муассиснинг мулки сифатида қолади ҳамда Муассиснинг жамғармаларини шакллантириш учун фойдаланилади.

6.2. Журналнинг фаолиятдан қўрилган зарар Муассис заҳира жамғармасидаги маблағлар ҳисобидан қопланади.

VII. Таҳририятнинг бошқарув органларини шакллантириш тартиби

7.1. Институт Илмий кенгаши Муассис коллегиял органи сифатида қуйидаги масалаларда ваколатли ҳисобланади:

7.1.1. Таҳририят дастурини ишлаб чиқишда қатнашиш.

7.1.2. Ташаббуслар, янгиликлар, таклифлар билан чиқиш.

7.1.3. Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича тавсиялар бериш.

7.1.4. Журнал ҳажмини кенгайтириш, нусхасини кўпайтириш ёки камайтириш бўйича бош муҳаррирга ва муассисга таклифлар бериш.

7.2. Таҳрир хайъати:

Журналнинг умумий йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни такомиллаштириш мақсадида Таҳрир хайъати тузилади.

Таҳрир хайъати аъзолари бош муҳаррир тавсияси асосида муассис томонидан тайинланади ва бош муҳаррир розилиги, тавсияси билан вазифасидан озод этилади. Таҳрир хайъати таркибига бош муҳаррир (Таҳрир хайъати раиси), бош муҳаррир ўринбосари (Таҳрир хайъати раисининг ўринбосари), масъул котиб ва бўлим бошлиқлари киритилади. Зарурат туғилганда илмий ходимлардан айримлари киритилиши мумкин. Таҳрир хайъати жамоатчилик асосида иш юритади ва қуйидаги масалаларни кўриб чиқади:

7.2.1. Нашрнинг илмий савиясини ошириш.

7.2.2. Таҳририят ишининг бош йўналишларини белгилаш ва уни амалга ошириш.

7.2.3. Журналнинг айрим муҳим сонларини безаш, қайси материалларни бериш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш.

7.2.4. Ташкилий-оммавий ишлардан кўзланган мақсад, шунингдек, таҳририят жамоаси ижодий фаолияти ва айрим ходимлар ижодий фаолияти билан боғлиқ масалалар.

7.2.5. Низомни ўзгартириш ҳақида таклифлар киритиш.

7.2.6. Таҳрир хайъати мажлиси ойда бир марта ўтказилади, зарур бўлган тақдирда таҳрир хайъати раиси навбатдан ташқари мажлис чақириши мумкин. Унда таҳрир хайъатининг барча аъзолари қатнашадилар ва улар мажлисда кўриладиган масала билан олдиндан қисман таништирилган бўлишлари керак.

Йиғилиш ўтказиш мумкин бўлмаган ҳолларда таҳрир хайъатининг ҳар бир аъзоси билан алоҳида келишилган ҳолда қарор қабул қилинади.

7.2.7. Таҳрир хайъати аъзолари ўртасида ҳамфикрлик бўлмаган тақдирда бош муҳаррир муҳокама этилаётган масала юзасидан ҳал қилувчи қарор қабул қилади.

7.3. Бош муҳаррир:

7.3.1. Муассис, муаллифлар, давлат органлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг бошқа хил бирлашмалари билан муносабатда, шунингдек, судда (ёки унинг вакили) журнал номидан иш кўради.

7.3.2. Таҳририятнинг бутун ишини амалдаги қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ва мазкур Низомга мувофиқ тарзда йўналтириб боради.

7.3.3. Молиявий ишлар ва штатлар учун, янги пул маблағларидан, шу жумладан гонорар, иш ҳақи фондларидан фойдаланиш, таҳририят мулкани асраш ва бошқа масалаларни муассис билан ҳал этади.

7.3.4. Таҳририят ишига ташкилий раҳбарликни амалга оширади.

7.3.5. Журнал сонларига имзо чекади.

7.4. Бош муҳаррир ўринбосари:

Журнал муассиси билан келишилган ҳолда бош муҳаррир томонидан тайинланади, таҳрир ҳайъати раиси ўринбосари ҳисобланади.

7.4.1. Журналнинг мазмуни, илмий савияси учун шахсан жавоб беради.

7.4.2. Бош муҳаррир бўлмаган вақтда унинг ишини бажаради.

7.4.3. Таҳририят жамоаси фаолияти, интизоми учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

7.4.4. Таҳририятга келиб тушган барча материалларни таҳрир қилади ва имзо чекади.

7.4.5. Таҳририят фаолиятига оид у ёки бу масалалар бўйича йиғилишлар ўтказди.

7.4.6. Жорий ишлар бўйича босмаҳона билан алоқаларни ташкил этади.

7.4.7. Журнал материаллари тайёр бўлишини таъминлайди.

7.4.8. Журнал сонларига навбатчилик қилади.

7.5. Масъул котиб:

Таҳрир ҳайъати аъзоси ҳисобланади. Илмий журнални тайёрлаш, чиқариш бўйича кундалик фаолиятини йўналтириб боради, режалаштириш учун жавоб беради. Ходимларнинг ижодий изланиши учун ғамхўрлик қилади, жамоада юксак даражадаги меҳнат ва ижодий интизомга риоя этилишини таъминлайди.

7.5.1. Бўлимлар, мусахҳихлар, компьютер маркази фаолияти учун шахсан жавобгар ҳисобланади, улар фаолиятини йўналтириб боради.

7.5.2. Журнал сонларини режалаштиради, унинг бажарилишини таъминлайди.

7.5.3. Таҳририят томонидан топшириладиган материалларни таҳрир қилади ва уларга имзо чекади, талабга жавоб бермайдиган материалларни бўлим муҳаррирларига қайтариб беради.

7.5.4. Барча масалалар бўйича босмаҳона билан алоқаларни ташкил этади, журналнинг ўз вақтида сифатли чиқиши учун жавоб беради.

7.5.5. Таҳририятда материаллар захирасини юзага келтиради ва назорат қилади, материаллар ва суратларнинг сақланиши, таҳририятда хатлар ҳаракати учун жавоб беради. Котибиятдаги барча ҳужжатлаштириш ишлари учун масъулдир. Ўринбосарининг хизмат вазифасини белгилаб беради.

7.5.6. Журнал рукнларининг тўғри қўлланилиши ва янгиланиб бориши учун жавоб беради.

7.5.7. Таҳрир ҳайъати фаолиятида фаол қатнашади, журнал материаллари савияси журналнинг безатилиши учун жавоб беради.

7.5.8. Журнал ҳар бир сонининг вақтида, сифатли чиқиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

7.5.9. Журнал сонларига навбатчилик қилади.

7.6. Таҳрир ҳайъати аъзолари:

Таҳрир ҳайъати аъзолари ваколати бош муҳаррир томонидан тасдиқланган вазифалар тақсимооти доирасида белгиланади.

VIII. Журналнинг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш асослари ва тартиби

8.1. “UZBEK ANTHROPOLOGICAL JOURNAL” журналининг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш рўйхатдан ўтказувчи органнинг аризаси асосида суднинг қарорига асосан тўхтатиб турилиши ёки тугатилиши мумкин.

8.2. Журналнинг чиқарилишини қонун ҳужжатларига ва мазкур Низомга зид ҳолатда иш юритилганда муассис ўз қарори асосида тўхтатиб туришга ёки тугатишга ҳақли.

8.3. Журнал ўз – ўзини маблағ билан таъминлай олмаган ҳолларда муассис томонидан тўхтатиб турилиши ёки тугатилиши мумкин.

8.4. Муассис ОАВ нинг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда ўз қарори ҳақида рўйхатдан ўтказувчи органни уч кун ичида ёзма равишда хабардор этади. Мазкур хабарнома ушбу ОАВ орқали чиқарилиши тўхтатиб турилиши ёки тугатилишидан олдинги сўнгги сонлардан бирига жойлаштирилади.

8.5. ОАВнинг чиқарилишини суднинг қарорига кўра тўхтатиб туриш асос бўлган қонун ҳужжатларида белгиланган асос ва тартибда амалга оширилади;

8.6. ОАВнинг чиқарилишини қайта бошлаш – тўхтатиб туришга асос бўлган қонун бузилиши тугатилганлиги ҳақида маълумотлар муассис томонидан судга тақдим этилгач, суднинг қарорига биноан амалга оширилади;

8.7. ОАВнинг чиқарилишини тугатиш суднинг қарорига кўра, қонунда кўзда тутилган ҳолларда амалга оширилади;

8.8. ОАВ чиқарилишини тугатиш унинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугатилишига сабаб бўлади;

8.9. ОАВнинг чиқарилишини тугатиш тўғрисида муассис томонидан қарор қабул қилинган тақдирда, таҳририят муассиснинг рухсати билан худди шу номдаги ОАВни белгиланган тартибда таъсис этишга ҳақлидир. Бундай ҳолда таҳририятни ҳуқуқий шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш талаб қилинади.

IX. Таҳририятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби

9.1. Таҳририят фақат Муассиснинг қарорига кўра журнал номини ўзгартириш ёки журнал фаолиятини бутунлай ёки вақтинча тўхтатиш сабабларига кўра, суд томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, рўйхатга олувчи органнинг даъвоси бўйича хўжалик судлов ишларини юргизиш тартибида қайта ташкил этилиши ва тугатилиши мумкин.

9.2. Муассис қуйидаги ҳолларда таҳририятни қайта ташкил этиш ва тугатишга ҳақли:

9.2.1. таҳририят «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун талабларини, журналистлик одоби меъёрларини ёки ушбу Низом қоидаларини бузганда.

9.2.2. таҳририят фаолияти зарар келтирадиган ҳолларда.

9.2.3. Муассис таҳририят фаолиятини молиялаш имкониятини йўқотганда.

9.2.4. Муассис таҳририят фаолиятини молиялашни бошқа асосларга кўра мақсадга мувофиқ эмас деб топганда.

9.3. Муассис таҳририятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги қарорни таҳририятнинг бошқарув органлари билан маслаҳатлашгандан кейин қабул қилади.

9.4. Муассис таҳририятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилганида у яна ўша ном билан оммавий ахборот воситаси чиқарилишини тиклаш ҳуқуқини сақлаб қолади.

9.5. Муассис таҳририятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилганда ушбу Низом ўз кучини йўқотади.

9.6. Муассис мазкур Низомни бузган тақдирда таҳририят бу ҳақдаги масалани Муассиснинг бошқарув органлари олдида кўйишга ҳақли.

9.7. Муассислар алмашиши, муассислар таркиби ўзгариши оқибатлари:

9.7.1. Муассис алмашган тақдирда журнал қонунда белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилгач, ўз фаолиятини давом эттиради.

9.7.2. Муассис қайта ташкил этилган тақдирда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўла ҳажмда ҳуқуқий ворисга ўтади.


X. Низомни қабул қилиш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

10.1. Таҳририят Низоми муассис томонидан тасдиқланади. Низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам худди шундай тартибда амалга оширилади.

10.2. Муассис ва таҳририят “Оммавий ахборот воситалари ва матбуот тўғрисида” ги қонун ва бошқа тегишли қонунларга ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилганда ҳамда бу борада янги фармонлар, қарорлар чиқарилганда журнал Низомини қонунчиликка мувофиқлаштириб боради.

Ушбу Низом “UZBEK ANTHROPOLOGICAL JOURNAL” журнали таҳририятининг 2026 йил 13 апрелдаги 5-сонли умумий йиғилишида қўпчилик овоз билан қабул қилинган.

“UZBEK ANTHROPOLOGICAL JOURNAL”
журнали бош муҳаррири



т.ф.д., проф. Ф. Максудов